БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 128 (18.904). • Сешанба, 5 июнь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ РАПОРТИ

ФАРҒОНА областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, 2 июнда пилла тайёрлаш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажардилар. Давлатга 5550 тонна қимматбаҳо ипак хом ашёси сотилди, ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 76 килограмм пилла олинди. Унинг 90 процентн юқори навларга топширилди.

Олтиариқ ва Қува районларининг пиллачилари областда биринчи бўлиб пилла тайёрлаш планларини бажариб бўлдилар. Тайёрлов пунктларига 610 тоннадан зиёд пилла топширган Ўзбекистон районининг хўжаликлари юксак натижаларга эришдилар. Киров районининг колхоз ва совхозлари ҳар қути қурт уруғининг ҳосилдорлигини 86 килограммга етказдилар.

Тошлоқ, Ленинград, Бағдод, Бувайда, Ёзёвон, Охунбобоев, Фрунзе районларининг пиллачилари пилла тайёрлаш планларини анча ошириб бажардилар. Риштон, Фарғона районларининг ва Қувасой шаҳрининг меҳнатчилари социалистик мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли, Ленинград районидаги Энгельс номли, Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон», Қува районидаги Димитров номли, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин», Охунбобоев районидаги Ленин номли, Бағдод районидаги «Большевик», Бувайда районидаги К. Маркс номли колхозларнинг, Киров районидаги Киров номли, Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозларининг пиллачилик усталари юксак кўрсаткичларга эришиб, ҳар қути қурт уруғидан 80-90 килограмм серипак пилла олдилар.

Олтиариқ районидаги «Пахтаобод» колхозидан И. Раҳимов, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозидан Д. Пайғамов, Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхозидан У. Холматова, Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозидан М. Рустамов, Ленинград районидаги Энгельс номли колхозидан Т. Ғафурова, Киров районидаги «Москва» колхозидан Ю. Исабоев, Қува районидаги «Коммунизм» колхозидан А. Миноваров бригадалари ҳар қути қурт уруғидан 90-105 килограмм ҳосил кўтардилар. Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоздан СССР Давлат мукофотининг лауреати Ф. Кўзибоева, Ёзёвон районидаги Охунбобоев номли колхоздан М. Эшонова, Охунбобоев районидаги Калинин номли колхоздан С. Юсупова, Ленинград районидаги «Коммунизм» колхозидан М. Эрматова, Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоздан К. Абдуалимова ва бошқа кўп миришкорлар ҳар қути қурт уруғидан рекорд миқдорда — 110-120 килограмм пилла териб олдилар.

Областнинг ҳамма хўжаликларида пилла териш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

Область мутахассислари ва тайёрлов органлари тайёрланган ҳосил ўз вақтида қайта ишланиши ва яхши сақланишини таъминлаш, саноатга сифатли хом ашё етказиб бериш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Область пиллачилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, пландан ташқари 665 тонна пилла сотиш ва жами тайёрланган пилла ҳажмини 6200 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

Пиллачиларнинг меҳнатдаги ғалабасидан руҳланган область меҳнатчилари ҳамма жойда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини юқори суръат билан олиб бормоқдалар, мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлашга киришдилар. Область деҳқонлари ва чорвадорлари дала ва фермалар маҳсулоти етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан юбилей йили учун белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажариш мақсадида имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар.

СОВЕТЛАРНИНГ МУҲИМ ИШИ

Беш йилликнинг энг масъулиятли марраси бошланди. План топшириқларининг бажарилишига ҳар бир ойнинг якунлари таъсир қилади, бинобарин меҳнат коллективларида бутун кучғайратни ишлаб чиқариш резервларини тўлароқ ишга солишга, қувватлардан самаралироқ фойдаланишга қаратиш жуда муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ишда Советлар, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатларнинг актив фаолияти ижобий натижаларга эришишнинг, иш самараларини оширишнинг муҳим омилидир.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари Коммунистик партия халқ депутатлари Советларининг ишини тағин ҳам яхшилашга, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида уларнинг ролини оширишга катта аҳамият бераётганлигини яна бир бор кўрсатди. Бу умумдавлат, умумхалқ аҳамиятига молик бўлган вазифани бажаришда, КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этишда, халқнинг Советларга сайлаб қўйилган вакиллари зиммасига, айниқса коммунист депутатлар зиммасига жуда катта масъулият тушади.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясида қўйилган вазифаларни пропаганда қилиш, бу вазифаларни амалга ошириш юзасидан жуда катта ишлар қилиняпти. Бу вазифалар иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этиш учун, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш, умумтаълим ва ҳунар-техника мактаблари ислоҳининг асосий йўналишлари муносабати билан қўйилган вазифаларни бажаришда, меҳнат, турмуш, дам олишни ташкил этишда Советларнинг ваколатларидан, уларнинг имкониятларидан тўла фойдаланишни талаб қилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, Советлар КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорлари асосида ўз фаолиятларини активлаштирмоқдалар, хўжалик, социал-маданий қурилиш масалаларига эътиборни кучайтирмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев қишлоқ Совети депутатлари ва доимий комиссиялари ташаббуси билан ер ва сувдан фойдаланишни яхшилаш чоралари белгиланди, йўллар, ариқлар ва зовурларни тартибга солиш ҳисобига экин майдонлари кенгайтирилди. Боғот районидаги Бешариқ, Булунғур районидаги Ленин йўли ва бошқа кўплаб қишлоқ Советлари ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, халқ депутатлари партия ташкилоти раҳбарлигида ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришга ишчанлик билан киришсалар, натижа салмоқли ва самарали бўлаверади. Наманган район маҳаллий Советларининг иш тажрибаси бунга мисол бўла олади. Район Совети, қишлоқ Советлари, уларнинг ижро қилиш органлари жамоат чорвачилигини урчитиш ҳисобига кўпайтириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ҳар бир хонадонда чорва моллар ва парранда боқилишига эришиш вазифасини қўйиб, уни бажаришга актив киришдилар. Чорвачиликни ривожлантириш масалалари сессияларда, ижроком мажлисларида атрофлича муҳокама қилинди, конкрет тадбирлар белгиланди, доимий комиссиялар қарорларнинг бажарилишини, тадбирларнинг амалга оширилишини контрол қилиб бордилар. Натижада районда бир йил ичида чорва моллар сони анча кўпайди, чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш ҳам сезиларли даражада ошди.

Бироқ, айрим маҳаллий Советларнинг ишлаб чиқаришни юксалтиришда, социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда таъсири сезилмайди. Бунинг асосий сабаби Советларнинг ишида, уларнинг ижроия комитетлари фаолиятида ташаббускорлик ва талабчанликнинг йўқлигидир. Оққўрғон, Янгикент, Сариқўрғон, Саричунқўл каби қишлоқ Советларида аҳвол ана шундай. Кундалик ҳаёт ўртага қўяётган масалаларни ҳал этишда, аҳолига медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда бу қишлоқ Советлари, уларнинг доимий комиссиялари ўз ваколатларидан, имкониятларидан етарли фойдаланмаётирлар.

Афсуски, етилган масалаларни ҳал этишда сусткашлик, ташаббуссизлик, меҳнаткашлар эҳтиёжлари, талабларини қондиришга лоқайд қарашни кўрсатувчи мисолларни маҳаллий Советлар фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Масалан, беш йилликнинг ўтган уч йили ичида республикада колхозлар ҳисобидан болалар боғчалари қуриш топшириғи бажарилмади. Бироқ, қишлоқ, овул Советлари ва ҳатто район Советлари хўжалик раҳбарларидан мактабгача болалар муассасалари қурилиши топшириғининг сўзсиз бажарилишини талаб қилмадилар.

Маҳаллий Советлар ўз территорияларида ҳамма иш учун, биринчи навбатда аҳоли турмуш даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини яхшилаш учун жавобгардир. Айрим маҳаллий Советларнинг раҳбар ходимлари буни унутиб қўймоқдалар. Ёш мутахассисларнинг барқарор ўрнашиб қолишларини таъминлаш, бунинг учун уларга уй-жой ва бошқа шароитларни яратиб бериш каби муҳим масалаларга ҳам маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари етарли эътибор бермаётирлар.

Советлар — жамиятимизнинг сиёсий негизи, энг оммавий жамоат ташкилотидир. Республикамизнинг ўзидагина қишлоқ, посёлка ва овул Советларининг 69 минг депутати иш олиб бормоқда. Маҳаллий Советларнинг 10 мингга яқин доимий комиссиялари бўлиб, улар неча ўн минглаб халқ вакилларини бирлаштириб турибди. «Ана шу комиссиялар,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко, — КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумидаги нутқида, — иқтисодий турмушимизнинг томир уришини доимо сезиб турадиган бўлишлари керак. Демак, халқ хўжалигининг эҳтиёжларини ўз вақтида эътиборга олиб, Советларнинг, улар ижро этувчи органларининг асосланган иқтисодий қарорларини топишга ёрдам беришлари, ана шу қарорлар бажарилишини мунтазам суратда контрол қилиб туришлари керак».

Юқорида келтирилган рақамлар маҳаллий Советларнинг қарорлар ижросини контрол қилишда қанчалик катта имкониятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин баъзи қишлоқ ва посёлка Советларида доимий комиссиялар фаолиятсизлик қилмоқдалар, ўз ваколатларидан фойдаланмаётирлар. Жалолқудуқ, Охунбобоев ва бошқа бир қанча районлардаги маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини сессия ва ижроком мажлиси кун тартибига қўйиш, сессия қарорлари қандай бажарилаётганлигини контрол қилиш каби ҳуқуқ ва ваколатлардан яхши фойдаланмаяптилар.

Маҳаллий Советлар халққа энг яқин бўлган, партия ва ҳукумат қарорларининг бевосита ижрочиларига яқин бўлган давлат органидир. Экономикани, турмуш маданиятини юксалтириш, ободончилик ишларини авж олдириш, аҳолига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш — уларнинг кундалик ишига боғлиқдир. Партия ташкилотлари, коммунист депутатлар Советларнинг ишидаги камчиликларни тугатиш учун, КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун Советларга партия раҳбарлигини ҳозирги талаблар даражасига кўтаришлари, маҳаллий Советлар, уларнинг доимий комиссиялари, ижро этувчи органлари ва депутатлар ташаббускорлигини оширишлари ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак.

АМАЛИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Руминия Компартиясининг Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан 4 июнь куни амалий визит билан Бухарестдан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

БАРАВЖ НИҲОЛЛАР

Ниҳоллар... Беқасам сингари живирлаб турган далалар кўмкўк.

Бу серфайз далалар Ильич районидаги Ғафур Ғулом номли совхознинг 3-бўлимига қарашли. Бўлим деҳқонлари 515 гектар майдонга чигит қадаб, бир текис ундириб олишди. Гектарлар тўлалиги таъминланди. Деҳқон меҳрига қонган ғўзалар кунда бир яшнаяпти. Бу, гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» териб олиниишидан нишонадир.

— Ерга қўр кирди. Қуёш ўз нурини аямай сочяпти, — дейди илғор механизатор Исмат Тожибоев. — Биз ана шу кунларда ғўзага бор меҳримизни бахшида этяпмиз. Эрта тонгданоқ иш бошлаб, беш-олти гектар майдонни культивациядан чиқаряпман. Эгатларни сифатли юмшатишга, ғўза атрофидаги тупроқнинг майин бўлишига кўпроқ эътибор беряпман. Шунда ниҳоллар қуёш тафтидан ва ҳаводан яхши баҳра олади. Суратларда: (ўнгда) илғор механизатор. И. Тожибоев. Чапда эса ғўзага ишлов бериш пайти анс эттирилган.

А. Тўраев фотолари.



Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Фарғона области — область партия комитети секретари Ҳ. Умаров, область ижроия комитети раиси А. Рустамов, область комсомол комитети секретари И. Н. Фозилов, область пиллачилик бошқармаси бошлиғи А. Раҳимов.

Комсомолобод райони — район партия комитети секретари И. Дадахонов, район ижроия комитети раиси Я. Мўминов, район комсомол комитети секретари В. К. Новик, бош пиллахона директори Н. Ғаниев.

Ромитан райони — район партия комитети секретари Ҳ. Саидов, район ижроия комитети раиси Е. К. Собиров, район комсомол комитети секретари У. Г. Эргашев, бош пиллахона директори С. Хешбутов.

Свердлов райони — район партия комитети секретари У. Н. Нуруллаев, район ижроия комитети раиси С. Исомов, район комсомол комитети секретари Г. К. Тўймуродов, бош пиллахона директори Н. Сиддиқов.

Пешку райони — район партия комитети секретари К. Д. Ҳамроев, район ижроия комитети раиси М. Раҳмонов, район комсомол комитети секретари С. О. Иброҳимова, бош пиллахона директори У. Турсунов.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН

● Жизах районидаги Навоий номли колхозда механизациялашган янги молхона фойдаланишга топширилди. Бу хўжаликка чорва молларини ўстиришнинг илғор технологиясини жорий этиш имконини берди.

«Узколхозстрой» механизациялашган колоннаси аъзолари йил бошидан буён колхозларнинг буюртмаларига мувофиқ 7 минг бош қўй учун замонавий фермалар қуришди. Бу планда белгиланганидан қарийб 2 баравар кўпдир.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

● Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикасининг М. Тўхтаев етакчилигидаги бригада аъзолари илғорлар safidan мустаҳкам ўрин олди.

Бутун коллективнинг пухта ишлаши меҳнатда энг юқори кўрсаткичларга эришишнинг асосий омили бўлмоқда. Бригада аъзолари ягона наряд системаси билан иш юритмоқдалар.

Илғор тўқувчилар йил бошидан буён пландан ташқари 10 минг метр газлама тўқиб чиқардилар. Унинг учдан икки қисми давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Иккинчи ярим йил ҳисобига

НУКУС, («Совет Узбекистони» мухбири). СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Қорақалпоғистон автоном республикаси чорвадорлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп гўшт, сут, тухум тайёрлашга эришдилар. Кўпчилик районлар, хўжаликлар чорва маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтиришда ибрат кўрсатмоқдалар.

Беруний райони чорвадорлари 1201 тонна, Тўрткўл райони 851 тонна, Чимбой райони 770 тонна, Кегайли райони 510 тонна ва Шуманай райони чорвадорлари 469 тонна гўшт тайёрлаб, ярим йиллик планларини ошириб адо этдилар.

Ана шу районларнинг хўжаликлари айни кунларда иккинчи ярим йиллик ҳисобига гўшт топширишмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

4 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску ўртасида музокаралар бўлди, музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Тализин;

Руминия томонидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари Э. Бобу, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Стоян, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзолигига кандидат, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари И. Тоту, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей қатнашдилар.

К. У. Черненко КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида румин ўртоқларга ахборот бериб, экономиканинг самарадорлигини ошириш, бошқарув системасини такомиллаштириш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш соҳасидаги тадбирларнинг аҳамиятини уқтириб ўтди.

Н. Чаушеску РСР меҳнаткашлари РКП XII съезди ва Миллий конференциясининг қарорларини қандай бажараётганликларини, шонли сана — мамлакат фашизм зулмидан озод этилганлигининг 40 йиллигига ва Руминия Коммунистик партиясининг шу йил ўтказиладиган XIII съездига кўрилаётган тайёргарлик ишларини гапириб берди.

Музокаралар вақтида КПСС билан РКП, СССР билан РСР ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Шу муносабат билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1970 йил 7 июль шартномасининг, 1976 йил 24 ноябрь Совет—Руминия қўшма баёнотининг аҳамияти уқтириб ўтилди. Иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш соҳасида бундан буён ҳам тинимсиз куч-ғайратлар сарфлай беришга аҳд қилинганлиги изҳор этилди. Сиёсий, мафкуравий, маданий соҳалардаги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни активлаштириш муддаоси тасдиқланди. Музокараларнинг қатнашчилари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражада ўтказиладиган иқтисодий кенгаши муҳим аҳамиятини таъкидладилар.

Актуал халқаро проблемаларни кўриб чиқиш вақтида дунёдаги вазият янада кескинлашганлиги хусусида ташвиш билдирилди, империализм, аввало, АҚШ энг агрессив кучларининг ҳарбий устунликка эришишга, вужудга келган тахминий ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга қаратилган сиёсати кескинлик кучайиб бораётганлигининг энг асосий манбаи эканлиги уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, қардош давлатларнинг мудофаа иттифоқи — Варшава Шартномаси ташкилотини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирила бошлангунча, мавжуд бўлган ҳолатни қайтадан тиклаш тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига риоя этиш асосида ядро қуролларига оид музокараларга реал йўл очиши мумкинлигига ишонч изҳор этилди.

Музокаралар амалий, ўртоқлик вазиятида, дўстлик ва ошкоралик муҳитида ўтди.

(ТАСС).

Музокаралар пайти.

В. Мусаэльян ва В. Кошевой фотоси (ТАСС—ЎзТАГ).

Бўлғуси офицерлар слёти

Фарғонада ўз ҳаётини мамлакат Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга бағишлашга қарор берган ўрта мактаблар битирувчиларининг область слёти бўлиб ўтди. Слётда партия ва комсомол органларининг намояндалари, ҳарбий комиссариатларнинг ходимлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ўқув юртларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Слёт иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгашида сўзлаган нутқини бўлғуси офицерлар жанговар наказ сифатида қабул қилганликларини таъкидладилар.

Совет Армиясининг офицерлари бўлишга қарор қилган ёшларнинг слётлари республиканинг бошқа областларида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети бўлимининг инспектори ўртоқ Борис Михайлович Курдинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУСОБАҚА: САМАРА ВА НАТИЖА

БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Автомобилчиларнинг меҳнат беллашуви

Халқ хўжалиги барча тармоқлари ходимлари сингари автомобилчилар ҳам мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширыш ишини ўзлари учун шараф деб билмоқдалар. Тошкентдаги 2512-автоколонна ва 3-автокомбинат коллективлари бу ишга кўпроқ ҳисса қўшиш чора-тадбирларини кўряптилар. Автоколонна мева ва сабзавот ташишга ихтисослаштирилган бўлса, комбинат гўшт-сут ва нон маҳсулотларини савдо тармоқларига, ошхоналарга тезроқ етказиб беришнинг кафилини олган.

Ўн йилдан ошдики, шу икки коллектив ўзаро мусобақалашиб келади. Мусобақада техника ва технология ютуқларини кенгроқ жорий этиш, тежамкорлик, юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришишга ёрдам бераётган тажрибалар ҳам кенг ўртоқлашилмоқда.

2512-автоколонна бошлиғи Жўра ҲОЖИБЕКОВ:

— Автомобилчилар колоннамиз ишлаб чиқариш планлари ва юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун кураша бориб, беш йиллик тўртинчи йили дастлабки беш ойи топшириғини муваффақиятли бажарди. Бунга автомобиль ҳайдовчилар ва уларга техника хизмати кўрсатувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилди. Бизда ўн бир бригада пудрат усулида ишлашга кўчгани яхши самаралар беряпти. Машиналарнинг техникавий жиҳатдан созлиги, ёнилғи ва мойлаш материаллари тежалишида пудрат усулининг афзаллиги сезилиб турибди.

Бир маромда ишлашни таъминламасдан туриб, ишлаб чиқаришнинг бугунги катта талабларини тўла қондириб бўлмайди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлашга аҳд қилган автомобилчиларимиз ишлаб чиқариш маромини мунтазам таъминлаган ҳолда йиллик планга қўшимча 10 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиб бериш, қўшимча 25 минг сўм фойда олиш, юк ташиш таннархини арзонлаштириш учун мусобақани авж олдиряптилар.

Юкларни контейнерларда ташиш катта афзалликларга эга. Шу усулда ишлашни кенгайтирмоқдамиз. Бу йил камида 22 минг тонна маҳсулот мижозларга контейнерларда етказиб берилади. Бу беш йил аввалгига нисбатан ўн баравар кўпдир. Ушбу рақамни алоҳида таъкидлаб кўрсатаётганимнинг боиси бор. Контейнерлар ёрдамида маҳсулот ташишнинг ҳозирги кўлами 10 тонна бензин, кўпгина газ, 10 минг киловатт-соат электр энергия, 50 комплект автомобиль шиналари тежаб қолиш имконини беради.

Ўтган ойлар натижалари автотранспортчиларимизнинг сўзи билан иши бирлигини кўрсатиб турибди. Контейнерлар ёрдамида ҳар кечакундузда юз тонна қадоқланган маҳсулотлар ташиш одатдаги тартибда юк ташишга қараганда қарийб 200 минг сўм иқтисодий самара келтиради.

Автомобиль ҳайдовчилар мусобақасининг зарбдорлари орасида Тошкент область комсомоли мукофотининг лауреати, ҳайдовчилар бригадири Н. Жавқаров, автомобилчилар коммунистик меҳнат бригадаларининг раҳбарлари Р. Сигбатуллин, К. Салимов, К. Егоров ва бошқа ўртоқлар бор.

Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мусобақада юзага келган энг яхши тажрибаларни кенг ёйиш муваффақиятларнинг омили эканлигини яхши биламиз.

3-автокомбинат директори Валижон ИСМОИЛОВ:

— Бизда 2512-автомобилчилар колоннаси билан тузилган социалистик мусобақа натижаларини ҳар кварталда якунлаб бориш анъанага айланиб қолди. Мусобақа эришилган натижаларни холисона таҳлил этишда ҳам, йўл қўйилган камчиликларни тезроқ тузатишда ҳам катта ёрдам бермоқда. Меҳнат беллашуви коллективларни бир-бири билан иноқлаштирмоқда, илғор тажрибаларни кенг ёйишда муҳим роль ўйнамоқда. Илғорлик сирларини ўргана бориш эса ютуқлар салмоғини оширишга ёрдам беряпти.

Комбинатимиз автомобилчилари республика -пойтахти савдо корхоналари ва умумий овқатланиш тармоқларига зарур бўлган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришнинг масъулиятини зиммасига олган. Шу соҳадаги юмушлари учун коллектив шаҳар «Ҳурмат тахта»сидан мунтазам ўрин олиб келмоқда. Тармоқ ходимлари область касаба союзи ва трестнинг кўчма Қизил байроқлари билан ҳам бир неча бор тақдирландик. Энг юқори натижаларга эришган ҳайдовчилар СССР орден ва медаллари билан мукофотланган.

Икки минг кишилик комбинатимиздаги 130 бригададан 22 таси пудрат усулида ишлашга ўтди. Ҳозир бизда хўжалик ҳисоби кенг жорий қилинмоқда. Мақсад Каримов, Григорий Пешков, Лес Тамабаев ва бошқа ўртоқлар бошқараётган бригадалар энг яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Социалистик мажбуриятларнинг барча моддаларини бажариш корхонамиз коллективи ҳамма аъзолари учун муқаддас иш бўлиб қолди. Прогрессив иш усуллари, илғор технология дадил жорий қилинмоқда. Бизда юкларни марказлаштирилган тартибда ташишга алоҳида аҳамият бериляпти. Бу усулнинг иқтисодий самаралари катта эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Марказлаштирилган тартибда юк ташиш транспорт воситаларининг юк ортиш-тушириш вақтида бекор туриб қолишини, қўл меҳнатини қисқартиришга ёрдам бермоқда.

Ишга ижодий муносабатда бўлаётган рационализаторларимиз юк ташиш ҳажмини кўпайтиришга, таннархини арзонлаштиришга ёрдам берадиган кўплаб таклифлар устида кунт билан ишлашяпти. Уларнинг жорий қилинганлари эса минглаб сўм иқтисодий самара келтираётир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ЮК ТАШИШ АВТОМОБИЛЬ ТРЕСТИНИНГ БОШҚАРУВЧИСИ МАНСУР АЛИЕВ ШАРҲИ:

— Очиғини айтиш керак: Тошкентдек шаҳарни озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот билан таъминлаб туриш транспортчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Трестимизга қарашли автоколонна ҳам, автокомбинат ҳам бундай шарафли ишни муносиб адо этиб келмоқда. Улар мусобақадош сифатида бир-бирларига муносиб мадад кўрсатишяпти.

Бу сафар социалистик мусобақанинг биринчи кварталн якунларига кўра автоколонна ходимлари ғолиб чиқдилар. Уларда ҳам ғолибликни эгаллаш учун имкониятлар етарли эди. Гап шундаки, энг яхши ташаббус-тажрибаларга кенг амал қилинган, уларни қўлланиш учун аниқ чоралар кўрилган корхоналардагина юксак пировард натижаларга эришилади. Ўзингиз қиёслаб кўринг. Автоколонна коллективи беш ойлик юк ташиш топшириғини 128 процент бажарди. Планга қўшимча ташилган юк 118 минг тоннадан ортиқ. Автокомбинат эса юк ташиш планини 106,2 процент бажарди, пландан ташқари ташилган юк 35 минг тоннага тўғри келди.

Ким ғолиб бўла олади! Ишни бир маромда, уюшқоқлик билан ташкил эта олган, зиммасидаги вазифаларни аниқ бажарган, янгиликларни, яхши тажрибаларни қўлланган коллективгина беллашувда ғолиб чиқиши мумкин. Ҳар икки автомобилчилар коллективи ҳам бу соҳада яхши ишлар қилмоқда. Шундай бўлса-да, комбинат автомобилчилари бор имкониятлардан тўла фойдаланишда дадиллик кўрсатмаяптилар.

Партия ва ҳукуматимиз корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш, ишчи коллективларида бригада пудрати ва хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Колонна автомобилчилари бу соҳада барқарор иш олиб бораётганликларини таъкидлаймиз.

Фойдаланилмаган резервларни ҳаракатга келтириш — илгарилаб бориш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, пировард натижалар салмоғини кўпайтириш ва мусобақада пешқадамликни эгаллашда барқарорлик омилларидан бири. Бунга икки коллектив ишининг якунлари далил бўла олади.

○ СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг Мирзачўлдаги гидрогеологик экспедиция отряди Сирдарё районининг «Малик» совхоз-техникуми территориясида пармалаш ишларини олиб бормоқда. Дастлабки ҳисобларга кўра бу ерда 1.650 метр чуқурликда шифобахш минерал сув бор. У совхоз профилакторийсида даволаш учун ишлатилиши мумкин. СУРАТДА: илғор пармаловчи Р. Файзулин (ўнгда) ва пармаловчи ёрдамчиси Д. Зайнетдинов.

В. Втюрин фотоси (ЎзТАГ).

БИР МЕЪЁРДА

● Навоий областида март ойида бўлган знзиладан зарарланган Янгиқозғон газ кони яна барқарор ишлаяпти. Бу ерда газ тайёрлаш цехи, ҳамма компрессор станциялари юксак самара билан ишламоқда. Учқир кони ҳам қисқа муддат ичида тикланди. «Газлинефтегаздобича» бошқармасининг меҳнаткашлари газ қазиб чиқаришни барқарор қилишдан ташқари қудуқларнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга ҳам муваффақ бўлдилар.

Ишлар давом этмоқда. Геология хизмати ремонтчилар билан биргалашиб, ҳар бир қудуқдан чиқадиган ҳамда барча тўққиз газ йиғиш пунктидаги газ сарфини ўлчайдиган приборларни тайёрлаб бўлди. Нормал иш режимидан чиққан қудуқларга нисбатан дарров зарур «даволаш» чоралари кўрилмоқда,— деб ёзади ЎзТАГ мухбири А. Фозилов.

Катта инженер Борис Копеляев раҳбарлигидаги мутахассислар группаси ер қимирлашдан анча зиён кўрган қудуқларни телемеханик усулда бошқариш пультини тиклади. Янгилик газ қазиб чиқаришни кўпайтирибгина қолмай, электр энергияси ва транспорт харажатларини анча тежашга ҳам имкон беради.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Уч иттифоқчи давлат — СССР, АҚШ ва Буюк Британия раҳбарлари Теҳрон конференцияси (1943 йил 28 ноябрь—1 декабрь) ҳужжатларининг тўплами босмадан чиқди. Бу тўплам «Совет Иттифоқи 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши давридаги халқаро конференцияларда» деб аталган ҳужжатлар тўплами туркумининг иккинчи жилдидир.

Ушбу тўпламга бир қанча архив материаллар киритилган бўлиб, уларда Теҳрон конференциясининг асосий масаласи — гитлерчилар Германиясига қарши иккинчи фронтни очиш тўғрисидаги масала ёритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

ЁДГОРЛИК

219-ўқчи дивизия составида ҳаракат қилган 375-ўқчи полкка душманнинг мустаҳкам мудофаа истеҳкомларини ёриб ўтиб, чекиниш йўлларини тўсиб қўйиш вазифаси топширилган эди. Бу жанговар вазифани бажариш учун старший лейтенант Наваидорскийнинг биринчи ўқчи ротаси жанг билан разведка қилиб, 144 сонли тепаликни эгаллаши лозим эди. Тепалик ёнбағри миналаштирилган ва уч қатор тиканли сим билан ўралган. Душманнинг тинмай ўқ ёғдиришига қарамай жангчилар траншеяга бостириб кирдилар. 2 та пулемётнинг овозини ўчирдилар: Тепалик қўлга киритилди.

Ана шу тепаликда взвод командири ҳалок бўлди. Командирликни рота парторги старший сержант Ахмедгалин ўз зиммасига олди. Взвод чекинган душманни таъқиб қилиб бориб, мудофаанинг иккинчи маррасига бостириб кирди ва шиддатли жанг бошлади. Ана шу жангда взвод жангчилари ҳарбий маҳоратларини намойиш қилдилар. 14 июлда взводда 13 жангчи қолган эди. Улар 100 дан ортиқ фашистларга қарши жанг қилиб, 50 солдатни қириб ташладилар, 20 тасини асир олдилар. Ана шу жангда ўзбек Ўрин Абдуллаев 8 гитлерчини ер тишлатди, 3 тасини асир олди.

18 июлга ўтар кечаси Ахмедгалин взводига душманнинг чекиниш йўлини тўсиб қўйиб, полкнинг асосий кучлари етиб келгунча эгалланган маррани ушлаб туриш топширилди. Взвод тун қоронғисида душманнинг орқа томонига ўтди ва Сунуплява қишлоғи яқинида катта йўл бўйидаги тепаликни эгаллади. Бу ердан атрофдаги хуторлар яхши кўринибтурарди. Взвод тепаликни эгаллагандан сўнг тош йўлдан битта ҳам душман ўта олмади.

Тунда ҳам душман ҳужуми тўхтамади. Жангчиларимиз сафи сийраклашиб қолди. Оғир ярадор бўлган Ахмедгалиннинг ўрнини Сироежкин эгаллади. Оёғидан ярадор бўлган Матвей Чернов дарахтга суянганча сўнггги нафасигача гитлерчиларга қарата автоматидан ўқ узди. Тожикистонлик пулемётчи Ч. Ўрозов ҳам шу ерда ҳалок бўлди.

Ўқ-дорилар тугай бошлади. Комсорг, қирғиз йигити Тукубой Тайгараев душман қуролларидан фойдаланишни таклиф қилди. Ўрин Абдуллаев эмаклаб бориб, душман автоматларини ва гранаталарини йиғиб келди. Мана, тепаликда 4 кишигина қолди. Улардан фақат икки киши қўлига қурол олиб душманга қаршилик кўрсатишга қодир эди. Шу пайт тўпларнинг гумбурлаши эшитилди. Лекин сўнгги гранатани улоқтираётган Фёдор Ашмеров, Тайгараев ҳам душман ўқига учраб қулади. Ярадор бўлган Василий Андронов бир ўзи душман ҳужумини қайтариб, қўшинларимиз етиб келгунга қадар тепаликни ушлаб турди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги Фармони билан уларнинг хаммасига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Улардан 9 кишига бу унвон ўлимидан сўнг берилган эди. Ўрин Абдуллаевни эса оғир ярадор ҳолда топишди.

Болтиқ бўйидаги Лудза шаҳридаги паркда ана шу Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари шаънига ёдгорлик ўрнатилган.

В. ЛИПАТОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ТАЪСИРЧАН, САМАРАЛИ

Илмий атеизм бўйича халқ университетлари айрим кишилар онгидаги эскилик қарқитларини тугатиш, меҳнаткашларни марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Хоразм областида ишлаб турган 14 та шундай университетга 1028 тингловчи жалб этилган. Улар орасида Боғот районидаги «Ленинизм» колхозида ташкил этилган илмий атеизм халқ университетининг иш тажрибаси область миқёсида оммалаштирилганлиги бежиз эмас.

Колхоз университети ишлай бошлаганига саккиз йил бўлди. Шу давр ичида ўқув программасининг икки йиллик курсини 281 тингловчи битириб чиқди. Ҳозир 102 киши илмий атеизм асосларини қунт билан ўрганмоқда. Тингловчилар турли касбдаги ва ёшдаги кишилар — колхозчилар, пенсионерлар ва уй бекаларидан иборат.

Машғулотларнинг таъсирчанлигини таъминлаш, тингловчиларнинг активлигини ошириш лекторлар маҳоратига, лекцияларнинг савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Университет ректори, «Ленинизм» ўрта мактаби химия-биология ўқитувчиси Комилжон Душамов, «Билим» жамияти район ташкилотининг тажрибали атеист-лекторлари, врачлар, педагоглар лекция ва суҳбатларнинг сермазмун, жозибали бўлишига жиддий эътибор беришяпти. Улар ҳар бир машғулотга пухта тайёрланиш, илмий манбалардан, ҳаётий фактлардан моҳирлик билан фойдаланиш туфайли тингловчилар қалбига йўл топиб, ўқув материаллари чуқур ўзлаштирилишига эришмоқдалар.

Атеист-лектор И. Иброҳимовнинг «Дин заҳарлайди, медицина даволайди» деган мавзуидаги лекцияси тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Лектор совет медицина фани ютуқлари, партия ва ҳукуматимизнинг халқ соғлиғини сақлаш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги ҳақида конкрет фактлар билан гапириб,

КОЛХОЗДА АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ

сўнгра хурофот ва диний ақидаларнинг инсон соғлиғига зарарини мисоллар асосида тушунтирди. Лекция жонли суҳбат тусини олди. Врач Нурулла Бекжонов хурофот таъсирига учраган баъзи беморлар чеккан азоблар, уларга фақат шифокорлар халоскор бўлганлиги хусусида кўп фактларни сўзлаб берди. Тингловчи А. Раҳимов сохта табибнинг бемор гўдакни «даволаш» усули ва фирибгарлигини аниқ далил билан фош қилди.

Шунингдек, педагог С. Отажоновнинг «Ахлоқ ва дин», И. Матниёзовнинг «Муқаддас» жойлар ва уларнинг сирлари» деган темаларда ўқиган лекциялари маҳаллий фактларга бойлиги, мазмундорлиги билан эътиборга сазовор бўлди. Дин хурофотнинг реакцион моҳиятини хурофотчиларнинг ярамас кирдикорларини фош этувчи илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар қизиқиш билан кутиб олинди.

Лекция ва суҳбатларнинг самарадорлиги аввал динга ишониб келган айрим кишиларнинг эскилик қарқитларидан қутулишида, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш тарзига янги урф-одат ва анъаналар чуқурроқ сингиб бораётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Халқ университетини тугатган Б. Исмоилов, И. Назаров, Н. Абдуллаев, И. Жабборов каби тингловчилар эндиликда илмий атеизмнинг фаол тарғиботчилари бўлиб қолдилар.

«Билим» жамияти область ташкилоти илмий атеизм университети ишига яқиндан эътибор бераётганлиги ва лекторларга малакали ёрдам кўрсатаётганлигининг ижобий самарасини алоҳида қайд қилиш керак. Яқинда ўтказилган атеист-лекторлар семинари шундай муҳим тадбирлардан бири бўлди. Унда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари ва илмий-атеистик пропаганда соҳасидаги вазифалар хусусида кенг фикрлашилди.

Колхоз илмий-атеизм университетида ҳозир якунловчи машғулотларга қизғин тараддуд кўрилмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

○ ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хива гилам комбинати ишчилари маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш-моқда. Бу йил улар 1 миллион 750 минг квадрат метрдан кўп маҳсулот тайёрлашади. СУРАТДА: тўқув цехининг илғор ишчиси О. Жабборова.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

● КУЙБИШЕВ

«Завод имени Масленникова» бирлашмаси соат ишлаб чиқариш коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан шу йилнинг охирига белгиланган даражага эришди. Бу ерда ўрнатилган автомат линия операцияларни ғоят аниқ бажаришни таъминлади. Бу линиянинг фойдаланишга топширилиши бир неча ишчини бошқа ишларга ўтказиш имконини берди. Машина-ускуналарнинг модернизация қилиниши, техника жиҳатдан асосланган нормаларнинг жорий этилиши, станокларга хизмат кўрсатиш зоналарининг кенгайтирилиши ишчилар сонини кўпайтирмай туриб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

● КРАСНОДАР

Катта Сочи, Туапсе, Геленжик, Анапа курортларининг туристик базалари саёҳат ва экскурсия ҳаваскорларининг яппи дам олиши учун шай қилиб қўйилди. Шу йил ёзда бу ерларга бир миллиондан кўпроқ киши келади. Базалар янгиланган, ободонлаштирилган. Ётоқхона корпуслари, ошхоналар ремонт қилинган, спорт шаҳарчалари, қайиқ станцияларн, пляжлар тартибга келтирилган. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига атаб очилган янги маршрутлар бўйича туристлар революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига борадилар.

● ТБИЛИСИ

Енгоқзорлар Грузиядаги автомобиль йўлларининг йўлдошларн бўлиб қолди. Ихотазорлар барпо этиш давомида 4 мингдан кўпроқ қимматли дарахт турлари ўтказилди. Ҳозир республикада ёнгоқзорларни ривожлантириш юзасидан кенг программа амалга оширилмоқда. Ёнгоқзорлар майдони 13 минг гектарга етди. (ТАСС).

МАФКУРАВИЙ КУРАШ ЖАБҲАЛАРИДА

СОХТА СОВЕТШУНОСЛИК

УЙДИРМА ВА БЎҲТОН УЯЛАРИ

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, синфий душман социалистик тузумни тугатиш ниятида эканлигини ошкора билдирмоқда. У ўз мақсадига эришиш йўлида, бир томондан, халқаро вазиятни кескинлаштириш, қуролланиш пойгасига социалистик давлатларни ҳам жалб қилиш ва шу йўл билан уларнинг иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётини танг қилиш, иккинчи томондан, социалистик мамлакатлар халқлари орасида «психологик урушни» кучайтириб, ғғво ва уйдирма уруғини сепиш, уни ичдан қўпоришга зўр бериб уринмоқда. Эълон қилинмаган, аммо бир зум ҳам тинмаётган бу «уруш» совет халқлари орасига миллатчилик ва адоват уруғини сочиш, КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатига аввало бефарқлик, оқибатда эса душманлик туйғуларини пайдо қилишга йўналтирилган.

Империалистик давлатлар антикоммунизм ва антисоветизмни давлат сиёсати даражасига кўтарар экан, социалистик жамиятга қарши «бўҳтон индустриясини» яратди. Давлат хазинаси-ю, миллиардер боёнлар ҳамёни ҳисобига бу «индустрия»нинг муҳим бўғинларидан бири социализм тизими, социалистик ҳамдўстликка қарши ғғво ва уйдирмалар манбаи сохта советшунослик марказларидир.

Маълумки, советшунослик деб ном олган, аслида эса ҳақиқатни сохталаштирувчи, социалистик жамиятни фақат қора рангда кўрувчи «илмий» йўналишга Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейинок асос солинган эди. Америка Қўшма Штатларининг Стэнфорд университети қошида 1917 йилда очилган «Уруш, революция ва тинчлик Гувер институти» эндиликда энг йирик сохта советшунослик марказига айланди. Институт асосчиси, йирик саноатчи Г. Гувер: «Тўғрисини айтганда, ҳаётимнинг мақсади Совет Иттифоқини ер юзидан супуриб ташлашдир», — деб айтганда у советшуносликнинг асл мағзини ифодалаган эди.

Колумбия университети қошида 1946 йилда ташкил этилган Рус институти, Гарвард университети ҳузурида очилган Рус тадқиқот маркази (1948 йил) ва бошқа советшунослик марказларининг пайдо бўлиши ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқоринларни эслатади. Эндиликда биргина Қўшма Штатларда бундай марказларнинг сони 200 дан зиёд, ГФРда 100 та, Англия ва бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам анчагина эканлиги бизнинг мамлакатимизга бўлган «қизиқиш» ортганлигидан далолат беради. Бу ҳақда Совет Иттифоқи ҳақида ёзилган диссертацияларнинг сони ҳам далолат беради. Фақат 1975 йилнинг ўзида 151 та, 1977 йилда 174 та илмий иш СССР ва Шарқий Европадаги ҳаётни ўрганишга бағишланди.

Сохта советшунослик ичида турли йўналишлар бўлиб, сўнгги ўн йилликлар ичида «Ўрта Осиёшуносликка» катта аҳамият берилмоқда. Бу борада бундан 30 йил аввал Узоқ Шарқ славян конференциясининг раиси У. Вучиничнинг ўз ҳамкасбларига: «АҚШ Совет мусулмонларига ҳеч қачон бефарқ бўлмаслиги зарур. Энг аввало Қўшма Штатлар Совет мусулмонлари орасидаги ихтилофчилик тенденцияларини топиши зарур» — деб айтган сўзлари эндиликда кўпгина советшуносларгина эмас, балки айрим катта давлат арбоблари томонидан ҳам қайта-қайта тилга олинмоқда.

Бугунги «Ўрта Осиёшуносликнинг» мақсади КПСС ленинча миллий сиёсатини антикоммунистик ва антисоветизм руҳида сохталаштириш, совет халқининг мустаҳкам бирлигини қўпориб ташлашга йўналтирилган. Эндиликда биргина Қўшма Штатларнинг 50 дан зиёд университетида, коллеж ва тадқиқот марказларида Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ҳозирги ҳаётнинг турли соҳалари ўрганилаётган бўлса-да, бу тадқиқотларнинг ҳаммасидан ягона, яна ўша бадбўй антисоветизм ҳиди келиб туради.

Энди бу марказларда тадқиқот дастғоҳини юргизаётганларга назар ташлайлик. «Советшунослар» ва хусусан «Ўрта Осиёшунослар»ни бир неча тоифага ажратиш мумкин. Энг аввало уларнинг катта қисмини Ғарб олий ўқув юртларида таҳсил кўрган профессионал «советшунослар» ташкил қилади. Мазкур «советшунослар»нинг яна бир гуруҳини эндиликда ўзларини бечора ҳол муҳожир қилиб кўрсатаётган, аслида она-Ватанимиз бошига оғир кун тушганда уни ташлаб қочган, баъзи ҳолларда душманнинг топтацига, ўз ватандошларига ваҳшийлик қилишларига ҳомийлик қилган қабиҳ кишилар ташкил этади. Албатта, тақдирнинг тақозоси билан ғурбатда ғариблиқка тушиб, Ватан дийдорига зор бўлганлар ҳам оз эмас. Аммо гап, бошқа одамлар, ўзини совет тузумидан жабрдийда кўрсатиб, «рус қарамлигидан» қочган, «халқ норозиликлари» гувоҳи қилиб кўрсатаётган, ўз «асарларида» она диёрининг табаррук юзига қора суртишга уринаётган кишилар ҳақида кетмоқда.

Умуман «советшунослар»нинг тоифалари қанча хилма-хил бўлмасин, уларнинг барчаси капиталга хизмат қилади.

Жаҳоннинг турли бурчакларида миллионлар қалбига социализм ғоялари сингиб бораётган, амалдаги социализм зафарлари ҳавас уйғотаётган, тинчликсевар ташқи сиёсатимиз эса ҳурматга сазовор бўлаётган бир пайтда, совет кишиларини ярим ёввойи, иқтисодий қолоқ, маданиятсиз қилиб кўрсатишдан ҳеч бир наф йўқлиги эндиликда «советшунос»ларнинг ўзига ҳам аён. Аммо «сичқон сиғмас инига...» деганларидек, миллионлаб кишиларни ишсизлик, ночорликка дучор қилаётган иқтисодий тангликлар гирдобидаги капитал оламида ҳеч бир айб кўрмаётган «советшунос»лар иқтисоди ва маданияти гуркираб ўсаётган Советлар диёрида «камситилаётган» инсон ҳуқуқлари-ю, «ғувғинликка учраётган» христиан, яҳудий, мусулмонларни «кашф» қилмоқдалар.

«Советшунослар»нинг ҳамёнига «барака» берувчи асарлар бўҳтон индустрияси» устахоналаридан тинимсиз чиқиб турибди. Аммо уларни Советлар диёридаги кишиларга қандай етказиш, уларни қандай қилиб бироз бўлса-да, ишонтириш мумкин?

ЭФИРДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР

ХОЗИРГИ кунда радиоприёмникларнинг одамлар орасида жуда кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ЮСИА собиқ директори Л. Маркс, «Бу, амалда, ҳаттоки ўқиш ёки ёзишни билмаган одамларга сабоқ бериш, ўз ғояларингни унинг онгига сингдириш мумкин, демакдир», — деб бежиз айтмаган эди. Дарҳақиқат, ер куррасини калава индек ўраб олган радиотўлқинлари кишилар учун фақат дил торини чертувчи оҳангларни ёки жаҳоннинг турли бурчакларидаги янгиликларнигина эмас, балки «психологик уруш» ташкилотчиларининг ғғво ва бўҳтонларини ҳам тарқатмоқда.

Оддий совет кишиларининг аксарияти чет тилларни билмаслиги, қолаверса антикоммунизм, антисоветизм ҳиди анқиб турган, душманлик руҳидаги адабиётлардан ҳавар қилиши ғоявий душманларимизда қитъалар, океанларни, давлат чегарасини писанд қилмайдиган радио тўлқинларини кенгроқ қўлланиш заруратини уйғотди.

Эллигинчи йилларда Ғарб давлатлари, аввало АҚШ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши кучли радиоузатгичлар системасини барпо этишга киришди. 1963 йилга келиб АҚШ Совет Иттифоқи атрофида

5 июнь—Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Бунёдкор совет халқи партия ва ҳукуматимиз қарорларини изчил бажара бориб, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, боғ-роғлар, экинзорлар, обод қишлоқ ва шаҳарлар бунёд қилмоқдалар, дарёларни жиловлаб, сувидан унумли фойдаланмоқдалар. Шўр ерларнинг шўри ювилиб, ботқоқзорлар қуритилиб, турли экинлар экилмоқда.

Афсуски, ҳали ҳам баъзан табиат бойликларига ҳурматсизларча муносабатда бўлиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ноёб ўсимликлар, тоғ гиёҳлари ва яйловларнинг камайиб кетишига, ичимлик сувининг булғанишига, балиқларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлаётганлар бор.

Бундай номатлуб ҳолларни Нурота районида ҳам учратиш мумкин. Унинг яйловларида давлатнинг қарийб тўрт юз минг бош қўй-қўзилари ҳамда минг-минглаб шахсий моллар боқилмоқда. Районнинг «Нурота», «Қизилча», «Ғозғон» совхозлари территориясида ҳамда Ленин номли совхоз яйловларида ўт-ўлан яхши бўлгани ҳолда «Ўзбекистон», «Комсомол 50 йиллиги» совхози яйловларида янтоқ, жувшин жуда кам. Бу эса чорва моллари боқишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Яйловларнинг камайиб бораётганлигига асосий сабабларидан бири янги-янги транспорт йўлларининг пайдо бўлаётганлигидир. Район маркази билан совхоз, ферма билан қишлоқлар орасида қурилаётган йўлларнинг қандай ерлар ҳисобига бунёд этилаётганини йўл қурилиши ташкилотлари раҳбарлари бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Давлат мулки бўлган ерни талон-торож қилиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган хонадонларга белгиланган нормада ер участкаси ажратилган. Афсуски, ортиқча ерларни, ҳаттоки айрим ҳолларда ободончилик учун ажратилган ерларни ҳам ўзлариники қилиб оладиганлар топилади. Лекин бунга негадир эътибор берилмайди. Давлат мулкини шахсий мулкка айлантирувчилар танобини тортиб қўядиган вақт етмадимикан?!

Нурота — тоғлар ўлкаси. Бу ерда сервиқор Оқтов, Қоратов, Нурота тоғлари бор. Тоғ ёнбағирларида табиати гўзал, сўлим қишлоқ ва қишлоқчалар жуда кўп. Айниқса Сентоб, Соб, Каттаич, Можирим, Совуқбулоқ қишлоқлари ўзининг сўлимлиги билан кишиларни мафтун этади. Тоғлардан оқиб тушаётган зилол сувлар, гўзал боғлардаги сайроқи қушлар кишининг баҳри-дилини очади. Бу гўшада хушбўй оромбахш гиёҳлар жуда кўп. Шулардан бири зирадир. У асосан июнь ойининг охири ва июль бошларида пишиб етилади. Бироқ шу қимматбаҳо шифобахш гиёҳ тўла пишиб етилмасиданоқ айрим кишилар томонидан пайҳон қилинмоқда, хом-хатала юлиб олинмоқда. Бундай зирада таъм ҳам, ҳид ҳам бўлмайди. Пишмагандан сўнг ерга зира уруғи ҳам тушмайди. Бунинг устига гиёҳ илдизи билан суғуриб олинади. Натижада зира йилдан йилга камайиб бораяпти. Шуниси ачинарлики, қўриқхона ходимлари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам бунга тоқат қилиб, томошабин бўлиб туришибди.

Шифобахш зилол Нурота чашмаси сувининг довруғи кўпчиликка маълум. Олимларнинг таъкидлашича, унинг таркибида қирққа яқин кимёвий модда бор экан. Ёз ойларида Нуротага қўшни Тожикистон, Туркманистон ҳамда Фарғона водийсидан жуда кўплаб меҳмонлар келиб чашмани томоша қиладилар, унинг сувидан мириқиб ичадилар, ҳатто кўза ва шиша идишларни тўлдириб, ўз юртларига совға сифатида олиб кетадилар.

Чашмадаги сон-саноқсиз балиқларни айтмайсизми?! Унинг тубига игна ташлаб оддий кўз билан кўриш мумкин. Бу сувдан Нурота шаҳри аҳолиси, дов-дарахти, экини ва чорва моллари баҳраманд бўлиб келмоқда. Илгарилари катта-ю кичик Нурота чашмасидан оқиб чиқаётган ариқ сувларига сира ахлат ташламасди. Унинг суви Пушкин, Охунбобоев, Энгельс ҳамда Самарқанд сингари узун кўчалар ва бир неча майда кўчалар орқали минглаб хонадонлардан оқиб ўтарди. Бир вақтлар ариқ сувининг қуйи қисмидан одамлар сув ичганлар, роҳатланганлар. Ҳозирги кунда чашма сувига мутлақо қараб бўлмайди. Инсофсиз кимсалар унга ахлат, ювинди оқизиб, зилол сувни булғамоқдалар. Натижада балиқлар қирилмоқда, кишилар эса тери ва юқумли касалликларга чалинаётирлар. Эндиликда ариқ сувини мутлақо истеъмол қилиб бўлмайди. Довруғи таралган чашма сувига шундай муносабатда бўлиш инсофданми? Бу масалага ҳам жиддий эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз.

Шаҳарнинг қоқ ўртасида Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги истироҳат боғи бор. Илгарилари бу боғ файзли, оромбахш, сўлим бўлиб, нуроталикларнинг севимли жойи эди. Ота-боболаримиз ўтқазган дарахтларининг соясидан, унинг ширин-шарбат мевасидан кишилар баҳраманд бўлишарди. Афсуски, боғ бугунги кунда қаровсиз қолган, дарахтлар йилдан йилга камайиб бормоқда, таг-томири билан қўпориб ташланмоқда. Ўрнига янги кўчатлар ўтқазиш эса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Наҳотки тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари яхшидан боғ қолади деган халқ мақолини унутишган бўлса?!

Табиат бойликлари туфайли мамлакат экономикаси юксалади, халқнинг турмуш фаровонлиги ошади, кишиларимиз ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўладилар. Шундай экан, табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ҳар бир соф виждонли кишининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

М. РАҲМАТОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ—БОШ ВАЗИФА

Ядро урушига ҳеч қандай формада йўл қўйиш мумкин эмас, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати ва унинг ҳарбий доктринаси айни мана шунга қаратилгандир. Яқинда олти давлат раҳбари қуролланиш пойгаси тўхтатилишини ва ядро аслаҳаҳоналари кўпайтирилмаслигини ёқлаб чиқиб, мурожаат этганликлари муносабати билан Совет ҳукумати берган баёнотни жаҳон жамоатчилиги ана шундай қабул қилди. Шу муҳим ҳужжатда Совет Иттифоқи уруш хавфини камайтириш, сўнгра эса уни батамом тугатиш учун бундан буён ҳам барча зарур ишларни қилишга азму қарор берганлигини таъкидлаганлигини, СССР урушнинг олдини олишни ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг бош мақсади, мажбурий ҳулқ-атвор нормасига айлантириш тўғрисида қилган даъват юксак баҳога сазовор бўлди.

Ҳиндистоннинг **«Нэншнл геральд»** газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «СССР ядро қуролларини кўпайтирмасликни шунчаки бир мақсад деб ҳисобламайди. Бу — ядро қуролларини улар батамом тугатилгунга қадар қисқартириш йўлида қўйилган дастлабки қадам, холос. СССР жаҳон миқёсида ҳам, Европада ҳам ядровий қарама-қарши туриш даражасини тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципига қатъий амал қилиб, тубдан пасайтиришга қаратилган ва олисни кўзловчи конкрет таклифларни киритди. Бу таклифлар уларни муҳокама қилиш учун Вашингтон қасдан вужудга келтирган тўсиқлар бартараф этилиши биланоқ дарҳол конкрет аҳдлашувларда ўз ифодасини топиши мумкин».

Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларининг қўшма декларациясини Москва қўллаб-қувватламоқда. «Ядро қуролини тобора кўпайтиришни тўхтатишга, ядро аслаҳаҳоналарини кўпайтирмасликка ва ана шу аслаҳаҳоналарни талай миқдорда қисқартиришга дарҳол киришишга даъват — шу қўшма декларацияда асосий масала қилиб қўйилган», — деб уқтиради Грециянинг **«Ризоспастис»** газетаси. Совет раҳбарлари декларация авторлари билан бир хил нуқтан назарга сўзсиз амал қилмоқдалар: ядро урушига ҳеч қандай формада йўл қўйиш мумкин эмас.

СССР ҳукуматининг фикрича, халқаро ишлардаги ҳозирги нормал бўлмаган аҳволни тузатиш керак, кескинликни юмшатишни қайта тиклаш мумкин ва лозим, деб уқтиради Ғарбий Германиянинг **«Штутгартер цайтунг»** газетаси. Дунёда даҳшатли жар ёқасига силжиб боришни тўхтатиб қолиш учун шошилинч чоралар кўриш зарурлиги тобора кўпроқ англаб етилмоқда. Шу боисдан ҳам ядро қуролини тобора кўпайтиришни тўхтатиб қолишга даъват — Совет ҳукуматининг баёноти марказидадир.

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалалар алоҳида ўткир бўлиб турган, халқлар уруш хавфини камайтириш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида таъсирчан чоралар кўрилишини тобора қатъият билан талаб қилаётган ҳозирги вақтда айни АҚШ. НАТО ўзларини кишиларнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-умидларига қарамақарши қилиб қўйиб, ҳаммага ва ҳар жойда ўз тартибларини тиқиштиришга интилиб, шу йўлдаги асосий ғов эканликларини кўрсатмоқдалар, деб уқтиради Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси.

Вашингтон, Бонндагилар, НАТО мамлакатларининг бошқа пойтахтларидаги кимсалар тинчлик негизларини кўпоришга олиб бораётган сиёсатдан воз кечиб, кескинликни юмшатиш фойдасини, тинчлик фойдасини кўзлаб, амалий ишларга ўтадиган пайт келди, деб таъкидлайди **ГДР радиосининг** шарҳловчиси, Совет Иттифоқи шу тарзда ҳаракат қилиш ниятида эканлигини намоён этадиган кишиларнинг ҳамма-си билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини тасдиқлайди. Тинчликни сақлаб қолишдан иборат ҳаётий муҳим мақсадга эришиш йўлида ядро қуролига эга бўлган ва эга бўлмаган, катта ва кичик барча давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш керак. Инсоният даҳоси ва моддий ресурслари бунёдкорлик, тараққиёт ва кишилар омон-эсонлиги ишига хизмат қилдирилиши лозим.

(ТАСС).

СОВЕТ ДЕНГИЗЧИЛАРИ ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

БРЮССЕЛЬ, 4 июнь. **(ТАСС мухбири).** Совет денгизчилари яна денгизда мардлик ва ўзаро ёрдам намунасини намойиш қилдилар: улар Бельгиянинг ғарқ бўлаётган кемасини қутқариб қолдилар. Улар май ойининг сўнгги 10 кунида Ўрта денгизда шундай жасорат кўрсатдилар.

СССРнинг Антверпендаги бош консулхонасига Бельгиянинг «Бриск» кемаси капитани Пол Антонсен келди. У совет дипломатларига РСФСР Денгиз флоти министрлиги номига йўлланган мактубни топширди. Кекса денгизчи ўз кемаси, экипаж ва пассажирлари мураккаб об-ҳаво шароитида қутқариб қолинганлиги учун Совет Иттифоқининг қуруқ юк ташийдиган «Великий почин» кемаси капитани ва экипажига миннатдорчилик изҳор қилади, совет кишиларининг юксак касб маҳорати ва қаҳрамонлиги қойил қолганлигини изҳор қилади.

Бизнинг кемамиз мисли кўрилмаган довул пайтида Дубровник шаҳри (Югославия) томон сузиб кетаётган эди, деб ҳикоясини бошлайди «Бриск» кемасининг капитани Пол Антонсен. Шу пайтда кеманинг юрадиган қисмида носозлик пайдо бўлди. Вужудга келган шароитда шимол томон орқага қайтиш ва қисқа йўл билан Италиянинг Галлиполе порти-га йўл олиш тўғрисида қарор қабул қилдим. Бироқ бир бахтсизлик кетидан тез орада иккинчиси қўшилди. Довул вақтида «Бриск» кемасининг рули ишдан чиқиб, уни бошқаришнинг иложи бўлмай қолди. Кема бошланган офат натижасида у ёқдан бу ёққа чайқалиб борарди ва бизлар Италия соҳилидан олисга улоқтириб ташландик. Ҳалокат тўғрисида сигнал бердим. Икки марта сигнал берилгандан кейин Галлиполедан денгизга Италиянинг қутқарув кемалари чиқишди. Бироқ иккала сафар ҳам улар довулдан орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Италиянинг соҳил муҳофазаси кучлари ҳам ёрдам бериш учун бизларга ўз вертолётларини юбора олмади. Биз соҳилдан 4 соат ёрдам кутдик, довул эса ҳамон тўхтамас эди. Бизлар ҳалокат тўғрисида кетма-кет сигнал бераверди-к. 19 май куни ярим тунда тўсатдан Совет Иттифоқининг «Великий почин» кемаси капитанидан «Ёрдамга боряпмиз» деган жавобни олдик. Кейинчалик мен совет денгизчилари шу пайтда Галлиполеда ҳалокатга учраган яхтани юргизаётганликларини билдим. «Великий почин» кемаси тунда соат 2 дан 45 минут ўтганда бизнинг кемамизни шатакка олиб порт сари бошлаб кетди, деб ўз ҳикоясини тугатади П. Антонсен.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг даъвати

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эрон—Ироқ можароси кескинлашганлиги муносабати билан Форс кўрфази районидаги аҳволни муҳокама қилиб, барча давлатларни имкони борича кўпроқ вазминлик кўрсатишга ва можаронинг янада кенгайишига олиб бориши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиб туришга чақирди.

Хавфсизлик Кенгаши қабул этган резолюцияда Форс кўрфазида савдо кемаларига яқинда қилинган ҳужум қораланди ва бундай ҳужумларни тўхтатиш талаб қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эрон — Ироқ можароси ҳарбий ҳаракатларида қатнашмаётган давлатларга бораётган ва шундай давлатлардан келаётган кемалар учун қийинчилик вужудга келтирмасликни талаб қилди. Ҳужжатда халқаро сувларда кемалар қатнови эркинлиги принципи яна бир бор тасдиқланди.

(ТАСС).

Сомали ҳукумати қайтадан тузилди

ПАРИЖ. Франс Пресс агентлигининг Могадишодан хабар қилишича, Сомали президенти С. Барре мамлакат ҳукуматини қайтадан тузди. Олти министр унинг составидан чиқарилди, кабинетнинг бир қанча аъзолари янги лавозимларга тайинланди. Бу қайта тузиш энг асосий мудофаа ва ташқи ишлар министрликларининг раҳбарларига даҳл қилгани йўқ. (ТАСС).

ФОТОФАКТ

Ҳуқуқлари учун курашмоқдалар

○ Британия меҳнаткашлари англиялик шахтёрларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашини қўллаб-қувватлаб, оммавий митинглар ва намойишлар ўтказишмоқда. Мансфилт шаҳрида ана шундай намойишлардан бири бўлиб ўтди. СУРАТДА: оммавий намойиш қатнашчиларининг полиция билан тўқнашуви пайти.

Камера пресс—ТАСС фотоси.

Қуролланишга йўл йўқ!

Дания тинчлик тарафдорлари Ғарбий Европани Америкаларо ракеталари учун старт майдончасига айлантирилишига қарши чиқмоқдалар. СУРАТДА: Копенгаген кўчаларида урушга қарши намойиш иштирокчилари.

В. Лоскутов фотоси (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ҚУЁШДАН ФОЙДАЛАНИБ

◆ Руминия пойтахти Бухарестдаги Бэнясе номли янги турар жой кварталида Қуёш энергиясидан фойдаланиб иситиш системаси яратилди. У рўзғор эҳтиёжлари учун сув иситадиган энг ўнғай системадир. Қурилмалар 8.640 квадрат метр майдонни эгаллаган. Система 2.234 квартирани иситади ва иссиқ сув билан таъминлайди. Бу эса йилига 650 тонна шартли ёқилғини тежаш имконини беради.

Мамлакат миллий энергетика программасига мувофиқ келгуси йилнинг охирига бориб, 50 минг квартирани иситиш учун Қуёш энергиясидан фойдаланилади.

КАПИТАЛ ДУНЁСИДА

СУРАТЛАР ҒҒИРЛАНДИ

◆ АП агентлигининг Неаполдан хабар беришича, уч қуролланган киши Бадиий академияга бостириб киришган ва XVIII—XIX асрларга оид 36 асарни ўғирлаб кетишди. Полициянинг хабарига кўра суратларнинг баҳоси 320 минг долларни ташкил этади.

ҮҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ЯНГИ ТИЛ ЯРАТИЛДИ

◆ Электроника бўйича француз инженери Антуан Пира янги сунъий халқаро тил яратди. Бу тил адли деб номланди.

Эсперанто тилининг «рақиби» бўлган бу янги тил электрон машина ёрдамида асосан инглиз, француз, испан, итальян ва немис тиллари ёрдамида яратилди. Бунда сўзларнинг тамланишига алоҳида эътибор берилди. Адли тилнинг лексикасида 25 минг сўз бор, унда синоним ва омоним сўзлар йўқ.

АРХЕОЛОГИЯ

АСРЛАР ҚАЪРИДАН

◆ Мисрнинг жанубида қазиш ишларини олиб бораётган олимлар қадимий уй-жойларнинг қолдиқларини аниқлашди, деб хабар қилади ЮПИ агентлиги. Қадимий уй-жойларнинг ёши 3,5 минг йилдан зиёддир, деб тахмин қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, уй-жойлар мамлакатда 18-династия ҳукмронлик қилган пайтда, яъни эрамизгача бўлган 1580—1339 йилларига мансубдир.

СҮНГГИ ПО́ЧТА

Долзарб мавзу

Ленин йўли район «Ленин йўли» газетасининг кейинги сони қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, алмашлаб экиш участкаларида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш мавзуига бағишланди. Қ. Раҳимов номли совхознинг бригадири М. Мардаевнинг «Бамаслаҳат ва ҳамкор бўлиб», Ленин номли совхознинг механизатори Х. Сатторовнинг «Дала паспорти — ишлов сифатига кафолат» сарлавҳали мақолаларида бригада пудрати афзалликлари ҳақида сўз юритилган. Будённий номли совхоз партия комитетининг секретари Ҳ. Назаровнинг мақоласида янгича шароитда партиявий-ташкилий сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этиш тажрибаси умумлаштирилган. Ленин номли совхоз участка касаба союз ташкилотининг раиси С. Бектошевнинг «Ғамхўрлик — ишимиз мазмуни», Охунбобоев номли совхоз сут соғувчиси Т. Одинаевнинг «Чорвадорга маъқул усул» сарлавҳали мақолаларида ҳам алмашлаб экиш участкаларида, чорвачилик фермасида пудрат усулини жорий этиш қандай иқтисодий ва социал афзалликларга эга эканликлари очиб берилади. Шунингдек, меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш, ердан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган материаллар ҳам газета саҳифаларидан ўрин олган. «Ҳар бир далага — сифат белгиси» шиори остида ўтказилаётган мусобақа якунлари эълон қилинган.

52 та радиостанция ва ретранслятор барпо этди. Европадаги социалистик мамлакатлар атрофида Америка радиоузатгичларини барпо этиш эса 1968 йилда якунланди.

60-йиллар охирида Совет Иттифоқи халқларининг 19 тилида 35 радиостанция кунига 170 соатга тенг эшиттириш олиб борган бўлса, яна 10 йилдан сўнг 40 радиостанция совет халқларининг 24 тилида кунига 200 соатдан кўп эшиттириш олиб борди. Сўнгги йилларда эшиттиришлар ҳажми яна ҳам ортиб бормоқда. Улар орасида ўз эшиттиришлари ҳажми жиҳатидан асосий ўринни эгаллаётган «Озодлик», «Озод Европа» ва «Америка овози» радиостанциялари қувватини янада ошириш йўлида монополиялар, етакчи капиталистик давлатлар ҳукуматлари ҳазина эшикларини яна ҳам кенг очмоқдалар. Хусусан, ҳозирги кунда СССР ва бошқа социализм мамлакатларига қарши ташвиқотни қучайтириш йўлида «Америка овози» яна 26 та ўта қудратли қисқа тўлқиндаги радиопередатчик қуриш ишлари олиб борганлиги, ўтган йили унинг молиявий харажатлари мўлжалланганидан 30 процент ошиб кетганлиги фикримизнинг далилидир. «Озодлик» ва «Озод Европа»нинг йиллик харажатлари эса 100 миллион долларидан ҳам ошиб кетди. «Бизнинг бюджетимизни ҳеч бўлмаганда яна 20 миллионга ошириш зарур» — деб ҳисоблайди радиокомплекс директори Ж. Бакли. Бу борада Совет Ўрта Осиёси ва Афғонистонга йўналтирилган эшиттиришларни кучайтириш йўлида яна 44 миллион доллар ажратилгани ҳисобга кирмайди. «Озодлик» ва «Озод Европа» радио комплекси ходимларининг сони 1600 дан ортиб кетди. Хуллас, далиллар ўжар нарса. Улар яна бир бор империализмнинг бизга қарши ёлғон ахборот, ташвиқотчилик интервенцияси уюштириш йўлидаги астойдил ниятидан далолат бермоқда.

Хўш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашишга мўлжалланган эфирдаги қароқчилик қайси йўл билан амалга оширилмоқда? Қароқчи овозлар кимлардан чиқяпти?

Уларнинг рўйхати узундан-узоқ, аммо ҳаёт тарзи бир хил. Она Ватанга хиёнати бир-биридан қолишмайди. Улар орасидан урушдан кейин туғилган, Ғарб пропагандасига учиб она-диёрини тарк этган, эндиликда Ғарб чирмандасига ўйинга тушиб, Совет Ўрта Осиёсидаги турмуш «қийинчиликлари» ҳақида тинимсиз вайсаётган кишилар ҳам учрайди. Уларнинг ёшидаги фарқ ҳисоба олинмаса, кирдикорлари, ўйдирма ва бўхтончилиги деярли бир хил.

Демак, монополиялар ва ҳукуматлар хазиналаридаги сариқ олтиндан куч-қудрат олаётган Ватан хоинлари овозлари билан эфирни тўлдираётган душман радиопропагандаси совет халқи, айниқса ёшлар онгига таъсир қилиш йўлидаги уринишларининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат дейиш мумкин:

—оммавий ёки қисман норозилик уйғотишга эришиш;

—мамлакат ички ва ташқи сиёсатига нисбатан шубҳа туғдириш;

—партия ва ҳукумат раҳбарлари фаолиятини тушунмасликка эришиш;

—халқ, давлат иродасига тескари кайфият уйғотиш;

—ижтимоий тузум ва раҳбарликни танқид қилиш ҳиссини пайдо қилиш;

— миллий адоват ва буржуа миллатчилигини сингдириш;

—жамоатчиликка қарши ҳаракатга даъват қилиш;

—мавжуд системани қандай ўзгартириш ҳақида шипшитиш;

—муҳожирликка даъват қилиш ва ҳоказолар.

Бундай вазифаларни амалга оширишни тушларида кўриб чиқаётган ғоявий мухолифларимиз ошкора эфир қароқчилигидан наф чиқара олмагач, ўз тактикасини ўзгартирди. Хусусан, оммавий таъсир тўғказиш бефойдалигини сезгач, у аҳоли орасидаги ғоявий-сиёсий жиҳатдан унчалик ҳушёр бўлмаган, чет эл буюмларига ўч, унинг маданиятига тақлид қилувчи ва шу сингари бошқа кишиларни ўз нишонига ола бошлади. Совет кишилари орасида обрў-эътибор қозониш, уларни ўзига ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам жалб қилишга уриниш аслида буржуа идеологиясининг бевосита инқирозидан далолат бермоқда.

«ЗАҲАРЛАНГАН» ТЎЛҚИНЛАР

СОЦИАЛИСТИК тузумни қоралаш, совет кишилари онгида КПСС ва Совет ҳукуматига ишончсизлик, СССР ички ва ташқи сиёсатига нисбатан норозилик туғдириш йўлида бизнинг ғоявий душманларимиз ҳар қандай ёлғонга тўн кийдириб, уни турли ғилофга ўраб, нима бўлса ҳам радиотингловчини ишонтиришга уринадилар. Бу борада «психологик уруш» ташкилотчилари, турли соҳалардаги буржуа мутахассислари ёрдамида 250 га яқин турли «ишонтириш» йўлларини ўйлаб чиқардилар. Уларнинг номлари ҳам, вазифаси ҳам турлича. Масалан, империализмнинг хорижий Шарқ мамлакатларидаги янги мустамлакачилик, зўравонлик ва таҳдид сиёсатини хас-пўшлаш, тингловчи эътиборида Ғарб ва Шарқ ўртасидаги алоқалардаги айрим фактларни кўпиртириш мақсадида «дудланган шўрбалиқ» усули ишлатилади. Ғарбдаги ишсизлик, қашшоқлиқни, минглаб кишилар қатнашаётган намойишлар ва тинчлик юришларини яширишнинг иложи қолмаган пайтда, бу хабарлар тингловчи онгига етиб бормасин деган мақсадда «қиймалаш» усули ҳамда киши диққатини ўзига тортувчи музика ва реклама билан қориштирилган ва тингловчини «беҳуш» қилиш деб ном олган усул қўлланади. Совет кишиларига қандай яшаш кераклиги ҳақида киши билмас шипшитиш зарур бўлса, «меҳрибон қариндош» усули ишга солинади. Хуллас, ҳар қандай шароит учун бўҳтон ва макрнинг қўланса ҳиди анқиб турадиган қўлланмалар мавжуд. Шу қўлланмалардан «сохта хабардорлик» ва «ёлғон тезкорлик» усулларини олиб кўрайлик. «Ғарб овоз»лари бизнинг ҳаётимизни кўп ёритиш, айрим воқеаларни эса совет оммавий ахборот воситаларидан бир қадар олдинроқ хабар қилишини уларнинг қудратидан далолат деб билувчи айрим кишилар аҳён-аҳён учраб туради. Агар уларнинг фикрини янглиш деб билсак, унда бизда юз берган йирик бир кўнгилсиз воқеа ёки фожиали ҳодиса, фараз қилайлик, ҳалокатга учраган самолёт ёки йирик иншоотдаги ёнғин ҳақида ҳали совет матбуоти, радио ёки телевиденнеси эълон қилиб улгурмай туриб, бу «овоз»ларнинг аҳоҳаннос солишларини қандай изоҳлаш керак? Уларнинг батафсил ҳикоя қилиниши ҳақиқатан ҳам ажабланарли эмасми? Аммо бу радиостанцияларнинг фаолияти билан танишган киши бу «оперативлик» ичи ораликдан бошқа нарса эмаслигини дарҳол сезади. Бунинг учун радиоқўпорувчилар социалистик мамлакат ҳақидаги маълумотларни қандай ва қаерда йиғиши ҳақида мулоҳаза юритиш зарур.

ҒАРБ радиостанциялари аввало социалистик мамлакатларга мансуб радиостанциялар эшиттиришларидаги маълумотни тутиб олишга катта аҳамият беради. Масалан, «Озод Европа» Польша, Руминия ва Чехословакиядаги 50 дан зиёд, «Озодлик» эса СССРдаги 100 дан ортиқ радиостанциялар ишини доимо кузатиб боради.

Ғарб радиоташвиқотининг сохта хабардорлигини асослашга яна бир жосуслик хизмати — радиоэлектрон разведка хизмат қилади. Жаҳоннинг турли бурчакларида ва айниқса Совет Иттифоқи атрофида иғвоғ юрган сув ости ёки сув усти кемалари, махсус самолётлар, махсус электрон жосуслик марказлари мамлакатимизда хизмат юзасидан фойдаланиладиган радиотелефон воситаларидаги алоқани диққат билан кузатишга уринадилар.

Советлар диёридаги бирон-бир ишлаб чиқариш корхонасида юз берган ёнғин ёки тасодифан юз берган фожиа ҳақидаги хабар ғоявий душман қўлига бориб етди ҳам дейлик. Аммо у, ҳали чўлтоқ, таҳлил қилинмаганлиги учун кишини ишонтириши қийин. Шунда бундай хабарларга дарҳол тафсилотлар тўқила бошлайди. Бунда энг аввало совет матбуотидан тўпланган маълумотлар қўл келади. Бу борада «Озодлик» радиостанциясининг маълумотлар картотекаси учун 300 га яқин совет матбуоти намуналари таҳлил қилинаётганлигини эслатиб ўтиш мумкин. Айниқса, уларнинг қўлига тушиб қолган район газетаси ёки корхонанинг кўп тиражли газетаси асосий манба ҳисобланади. Чунки унда эски бўлса ҳам завод ҳаётига оид фактлар ёритилган бўлади. Эҳтимол, газетада танқид қилинган ходим бошқа ишга ўтгандир ёки маъмурий жазо олгандир. Лекин буни бошқа район, айниқса бошқа республикадагилар билмайди-ку! Бундай хабарларни чет элга саёҳатга бориб ғоявий хушёрликни қўлдан бой берган айрим лақма саёҳатчилардан, шу ердаги олий ўқув юртига ўқишга келган баъзи чет эллик студентлар билан суҳбатлар чет эл матбуоти мухбирлари орқали ғаразгўйлик мақсадида олдиндан тўпланган тафсилотлар билан бойитилса, борми, қарабсизки, фожиа юз берган жойдан берилган хабар гўё аслига тўғридек бўлиб кўринади.

Буржуа пропагандаси шундай ва бошқа йўллар билан совет кишилари онгига ҳар қандай йўл билан таъсир қилишга интилмоқда. Лекин уларнинг намояндалари ўзларини қайси куйга солмасин, кўзлаган мақсадларига эриша олмайдилар. Зеро, зулмат ва зиё, туҳмат ва ҳақиқат курашида доимо зиё ва ҳақиқат тантана қилади.

Т. КОЗИМОВ,
тарих фанлари кандидати.

янгиликлар

АНДИЖОН

АРХИТЕКТОРЛАР ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

● Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзининг Андижон область ташкилоти тузилди.

Тажрибали архитектор Туроб Маҳмудов архитекторлар область ташкилоти правлениесининг раиси этиб сайланди.

Ташкилотнинг тузилиши Андижон область шаҳар, район ва қишлоқларини обод қилиш, бу соҳада архитекторларнинг ижодий активлигини ошириш имконини беради.

ФАБРИКАДА ЯНГИ ЦЕХ

● Охунбобоев шаҳридаги Крупская номли момиқ фабрикасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги цех ишга туширилди.

Цехда 20 та момиқ титиш станоги ўрнатилди. Цех йилига 3 минг тонна маҳсулот беради. Бу билан фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати кескин ошади.

МОСКВАДАН ТЕЛЕГРАММА

● Ватанимиз пойтахтидан СССР Давлат банки Чиноespecial бўлимига телеграмма келди.

Унда маълум қилинишича, бўлим коллективи 1984 йилнинг биринчи квартали якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаган ва пул мукофоти билан тақдирланган.

БАХТ ҲАҚИДА БАҲС

● Андижон давлат тиллар педагогика институти ётоқхонасида бахт ҳақида баҳс кечаси ўтказилди.

Баҳсни чет тиллар факультети немис тили фонетикаси ва грамматикаси кафедраси педагогик коллективи ташкил этди. Филология фанлари кандидати И. Қодировнинг «Бахтни ким қандай талқин қилади?» мавзундаги суҳбати студент ёшларда катта таассурот қолдирди. Студентлардан Ж. Ўроздбоева, Р. Мусурмонов, М. Мирзаева, Ш. Умрзоқова ва бошқалар бахт ҳақидаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Баҳс кечаси охирида ҳаваскорлар ижросида концерт берилди.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

○ ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Давлат симфоник оркестрининг ижрочилари Л. Иванова (альт) ва консерватория ўқитувчиси М. Султонова (фортепьяно)нинг чиқишлари санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотади. Улар рус ва чет эл классиклари, шунингдек, совет композиторларининг асарларини маҳорат билан ижро этадилар.

СУРАТДА: Л. Иванова ва М. Султонова Тошкент Давлат консерваториясининг саҳнасида концерт беришяпти.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ).

СПОРТ

ФУТБОЛ:

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Москва, Ленинград, Киев ва Минск шаҳарларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионати якунланди. СССР футболчилари ярим финалда Ирландия командаси билан майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Венгрия футболчилари эса Польша командасидан (2:0) устун келиб, финалга чиқдилар. Ўтган дам олиш куни чемпионлик учун ҳал қилувчи ўйинлар ўтказилди. Совет футболчилари финал учрашувини Венгрия командаси билан ўтказишди. Учрашувнинг асосий ва қўшимча берилган вақтларида дарвозалар дахлсиз қолди. 11 метрдан тўплар тепиш бўйича Венгрия командаси 3:2 ҳисобида ғалаба қилиб, чемпион номига сазовор бўлди. Футболчиларимиз чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритишди. Польша футболчилари Ирландия командасини 2:1 ҳисобида енгиб, бронза медали совриндори бўлишди.

СССР терма командаси Лондондаги машҳур «Уэмбли» стадионида Англия футболчилари билан ўтказилган ўртоқлик учрашувида 2:0 ҳисобида муваффақият қозонди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг биринчи давра ўйинлари тугади. «Андижанка» қизлари сўнгги саралаш учрашувини Боку нинг «Связист» (0:0) командаси билан ўтказишган бўлса, Тошкент областининг «Политотдел» хоккейчилари Суминнинг «Буревестник» коллективини қабул (2:1) қилишди. Шундай қилиб, ҳар иккала командамиз фахрли ўринлар учун курашувчи кучли саккиз команда сафида ҳал қилувчи ўйинларда иштирок этадиган бўлди. Шунингдек, Москва жисмоний тарбия институти, «Колос» (Борисполь), «Таурас» (Шяуляй), «Крылья Советов» (Москва), «Спартак» (Москва области) ва «Связист» (Олмаота) командалари ҳам финалга чиқдилар.

СОВРИНЛАР ВА УРИНЛАР

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик А. Харлов 400 метрга тўсиқлар оша югуришда 49,96 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди.

● МЕРГАНЛИК. Москвада ўтказилган СССР чемпионатида тошкентлик С. Иваненко МВ-9 ва МВ-6 машқларини бажариш бўйича кучли олтиликдан ўрин олди.

ҲАР ТУҒРИДА

КАЛЕНДАРЬ ТАРИХИ

Ноёб экспонат — чор-цензураси тақиқлаган «1908 йилги ҳамма учун календарь» Шуядаги М. В. Фрунзе музейининг коллекциясига қўшилди.

Босилган материаллар орасида В. И. Ленин ана шу китобча учун махсус ёзган «Штутгартдаги халқаро социалистик конгресс» мақоласи бор. Бунда К. Марксининг портретлари, унинг таржимаи ҳоли ҳам берилган. Календарь 1907 йилда «Свободная земля» нашриётида босилган. Уша вақтда Ильичнинг сафдоши М. Кедров шу нашриётни бошқарарди.

Календарнинг маҳфий тарзда тарқатилган қисми нусхаларидан бири яширин йўллар билан Шуяга бориб қолади. Бу ерда эса ишчи К. Болотов оиласида кўп йиллар давомида сақланади. Яқинда унинг қизи оилавий ёдгорликни М. В. Фрунзе музейига топширди.

ШУЯ, Иваново области

А. ФРАНКОВСКИЙ, (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ
1984—85 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИНГ 1 КУРСИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ДРАМА ТЕАТРИ ВА КИНО АКТЁРЛИГИ—ўқиш муддати 4 йил.
БОЛАЛАР ТЕАТРИ АКТЁРЛИГИ (ўзбек группаси) — ўқиш муддати 4 йил.
ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АКТЁРЛИГИ (ўзбек ва рус группалари) — ўқиш муддати 4 йил.
МУЗИКА ТЕАТРИ АКТЁРЛИГИ (ўзбек, туркман, рус группалари) — ўқиш муддати 5 йил.
ДРАМА ТЕАТРИ ВА КИНО РЕЖИССЁРЛИГИ — ўқиш муддати 5 йил.
ТЕАТРШУНОСЛИК — ўқиш муддати 5 йил.
ЖИВОПИСЬ: СТАНКОВОЙ РАССОМЛИК, ТЕАТР РАССОМЛИГИ — ўқиш муддати 6 йил.
ГРАФИКА: КИТОБ ГРАФИКАСИ, СИЕСИЙ ПЛАКАТ — ўқиш муддати 6 йил.
ДЕКОРАТИВ-АМАЛИЙ САНЪАТ: САНОАТ ГРАФИКАСИ, КУЛОЛЧИЛИК САНЪАТИ — ўқиш муддати 5 йил.
ИНТЕРЬЕР ВА ЖИҲОЗЛАШ — ўқиш муддати 5 йил.
МОНУМЕНТАЛ-ДЕКОРАТИВ САНЪАТ: МОНУМЕНТАЛ-ДЕКОРАТИВ РАССОМЛИК — ўқиш муддати 5 йил.

СИРТҚИ БЎЛИМ:

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АКТЁРЛИГИ (ўзбек ва рус группалари) — ўқиш муддати 5 йил.
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ —ўқиш муддати 6 йил.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

мутахассислик, СССР тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки).

Институтга кирувчилар институт ректорининг номига ёзилган аризаларни кундузги ва сиртқи бўлимларга 1984 йилнинг 5 июлигача топширадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), институтга кириш учун характеристика, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат (бош кийимсиз), олий ўқув юртларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни шахсан кўрсатадилар: паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан нусха.

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 6 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

Стипендия умумий қондага мувофиқ берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, 700031, Г. Лопатина кўчаси, 77-уй. Телефон: 56-28-80.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТУРҒАЙ, ЦЕЛИНОГРАД, ПАВЛОДАР ОБЛАСТЛАРИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИГА ИШЛАШ ВА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН

КЎЧИРИШНИ УЮШТИРАДИ
КЎЧИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ:

— Тўрғай областига — 1 июлгача;
— Целиноград областига — 15 июнгача;
— Павлодар областига — 20 июлга қадар амалга оширилади.

Кўчиш истагини билдирган оилаларга бир йўла тўланадиган нафақа берилади, мўлжалланган жойга бепул бориш ва багажни ташиш таъминланади, алоҳида турар жой ва белгиланган миқдорда томорқа ери берилади. Кўчувчилар кўчиб борган жойларида икки йил мобайнида квартира ҳақи тўлашдан, 8 йил муддатга қишлоқ хўжалик солиғи тўлашдан озод қилинади.

Маълумотлар ва йўлланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат этилсин;

ШАҲАРЛАРДА — область меҳнат бўлимига ёки аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига, Нукус шаҳрида — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг меҳнат бошқармасига;

РАЙОНЛАРДА — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг меҳнат бошқармасига ва область меҳнат бўлимларининг район вакилларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктларига.

РЕСПУБЛИКА ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1984-1985 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Балет артисти бўлимига — 3 синфни тугатганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 8 йил;
ансамбль артисти бўлимига — 6 синфни битирганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 5 йил;
Қабул комиссияси 9 июнгача ҳар куни соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31-уй (3, 11 — троллейбуслар, 97 — автобуснинг «Баранов кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги
Ҳ. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҳужжатларни техник-криминалистик тадқиқотлаш сектори мудири
вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй. Телефон 77-23-55.

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

СЕЙСМОЛОГИЯ ХИЗМАТИДА

95 процент территорияси юксак сейсмик зонада жойлашган Қирғизистонда ер бағри геомагнит, электрометрик, сейсмохимик ва бошқа тарзларда кузатилмоқда. Шу кузатишлар натижасида олинадиган маълумотлар етилиб келаётган тектоник силжишларни, бинобарин бўлажак ер ости силкинишларини билишга имкон беради.

СССР Фанлар академияси юксак температуралар институтининг олимлари республика сейсмологлари билан ҳамдўстликда Қирғизистон тоғларида янги асбоб — МГД-генераторни синаб кўрмоқдалар. Қирғизистон тоғи этакларига жойлаштирилган установка ер бағрига 40 километр масофага икки минг ампергача борадиган кучли электр ток импульсларини юборади. Бу импульслар жинс қатламларидан ўтаётиб, уларни баайни ёритади ва электр қаршилик ўзгаришларини топади. Шунга қараб яқинлашаётган силжиш тўғрисида бир фикрга келинади.

Тадқиқотлар асосида республика территориясини сейсмик районлаштириш тафсилий карталари тузиб чиқилди. Қурилишни планлаштиришда шу карталар қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Чу водийси ва уни қуршаган тоғларни ўз ичига олувчи Фрунзе прогноз полигони мамлакатда МГД-генераторлар синаб кўриладиган ва улардан сейсмологияда фойдаланиладиган асосий районлардан бири бўлиб қолади.

(ТАСС).

КИТОБ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

● «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ букинистик китоб магазини очилди.

Магазин бир мингдан ортиқ кишини бирлаштирган китобсеварлар жамияти бошланғич ташкилотининг ташаббуси билан бунёд этилди.

Бу — бирлашманинг иккинчи халқ китоб магазинидир. Биринчи китоб магазини бир неча йиллардан бери ишлаб турибди. Химиклар ҳар йили 50—60 минг сўмлик китоб харид қиладилар.

«Навоиазот» бирлашмаси китобсеварлар жамияти китобни пропаганда қилиш ва оммалаштиришда актив иш олиб борганлиги учун Бутуниттифоқ китобсеварлар жамиятининг дипломи билан тақдирланди.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

ЖАРАНГЛАГАН ОЛТИН СОЗ

ПУШКИН! БУ АЗИЗ НОМНИ эшитмаган, уни маъсум болалик чоғларидан севиб қолмаган самимиятда тенгсиз гўзал шеърларини, она алласидай мусаффо эртакларини ўқиб яйрамаган, баҳри-дили очилмаган ким бор, деб ёзади таниқли адибимиз Одил Ёқубов. Дарҳақиқат, Пушкинга ато этилган шоирлик бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Улуғ шоир асарларини ёш ҳам, қари ҳам бирдек ҳаяжон билан ўқийди ва номини тоабад дилида ардоқлайди. Бу ном ўлмас муҳаббатга сазовор.

Зеро, улуғ шоирнинг олтин сози таратган оҳанглар, яъни мўъжизакор қалами ила битилган шеърлар шу қадар кўнгилга яқин, латиф ва сеҳрлики, унинг жозибаси тошюракларни ҳам титратиб юборади. Бу шеърият ўзининг соддалиги билан улуғвор, табиийлиги билан яшовчан. Ўзи тириклигидаёқ, қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга, халқларнинг келар йўлин майса-ўтлар қилмас банд, деган шоир олтин созининг титроқ торлари таратган мўъжизакор оҳанглар ҳамон янграб, янги-янги авлодлар дилига олов пуркаётир. Бу сознинг ўзбекча оҳанглари ҳам бой, оҳанраболи, шеърхонларни у кўпдан мафтун этиб келади.

Пушкин шеърияти, шоирнинг тили бениҳоя содда ва халқчил, шу жиҳати билан у сеҳрли; унда гўзал гармония ва мунтазам мусиқийлик ҳукмрон. Пушкин бадиий тасвир имкониятларини халқ тилидан, халқ оғзаки ижоди хазинасидан қидирган. «Таңқидга раддия» мақоласида у қадимги қўшиқлар, эртаклар ва шу кабиларни ўрганиш рус тили хусусиятларини мукаммал эгаллаш учун бениҳоя зарур эканлигини алоҳида уқдиради. «Рус тилининг имкониятларини кўра олиш учун, — деб ёзади шоир ёш ижодкорларга мурожаат қилиб, — оддий халқ эртакларини ўқинг». Шу асосда иш кўрган Пушкин халқ тили имкониятларидан мукаммал фойдаланади. Бу хусусият акс этган ўта халқчил шеърларни она тилимизга ўгириш таржимондан алоҳида масъулият ва катта маҳорат талаб этади. Чунки таржимон ҳам рус тилининг, ҳам ўзбек тилининг миллий хусусиятларини ҳар жиҳатдан теран англамоғи, имкониятлардан тўлиғича фойдалана билмоғи лозим.

Пушкиннинг «Ҳаммаси тугади, орамиз очиқ...» дея бошланадиган бир шеъри бор. Бу шеърнинг биринчи тўрт мисраси Абдулла Орипов таржимасида шундай жаранглайди.

Ҳаммаси тугади, орамиз очиқ...
Сўнг бор қўлларингни ўпаркан, пари,
Шаънингга тўқийман мунгли бир қўшиқ,
Тинглайман жавобинг:
«Тугади бари...»

Таржимон бу ўринда рус ча халқона ибораларнинг ўзбекча муқобилини аниқ топган. Шу боис шеър чинакамига пушкинона жаранг ва соддалик касб этган. Тилимизда «орани очди қилмоқ», «ора очиқ» каби иборалар бор. А. Орипов бундан ўринли фойдаланади. Қолаверса, шеърнинг халқ руҳи билан уйғунлик касб этишига эришади. «Сўнг бор қўлларингни ўпаркан, пари» дея ўгирилган мисра аслида «В последний раз обняв твои колени», яъни «Сўнг бор тиззаларингни қучаркан»дир. Аммо бу — ошиқнинг маъшуқа тиззаларини қучиши ўзбек шеърхони учун ғайриоддий туюлади. Бинобарин, ҳолат, Пушкин ифода этган бадиий мақсад ўзбекчада заиф чиқади. Шунинг учун таржимон айнан таржима қилишдан қочади ва «...қўлларингни ўпаркан» тарзида уни ўгиради. Бу Пушкиннинг бадиий мақсадини тўғри ифодалашга хизмат қилган. Гоголь айтганидек, таржимада баъзан ҳатто нусхага яқинлашмоқ учун асл нусхадаги сўзлардан атайлаб узоқлашилади. Ана шунда «кулгини кулгилигича, табассумни табассумлигича» таржима қилиш» (К. Чуковский) мумкин бўлади.

ПУШКИН ЛЕКСИКАСИДАГИ энг кўп қўлланиладиган сўзлардан бири, свобода (озодлик)дир. Бу сўз билан маънодош бўлган волность (эркинлик), воля (эрк) ва шу каби сўзлар ҳам унинг ижодида кўп учрайди. Шоир бу сўзларни маъно нозикликлари, мазмун товланишлари, шаклий оҳанглари бениҳоя хилма-хил ҳолда қўллайди. Табиийки, таржимондан бу ўта хассосликни талаб этади. Аксар таржимонлар Пушкин шеърлари таржимасида хассослик билан ўша сўзларнинг маъносини тўлиқ англатишга эришганки, бу ҳол қувончлидир. Айниқса, бу Миртемир таржима қилган «Эркинлик» одасида яқол кўзга ташланади.

...Мағрур эрк қуйчиси,
қани, қайдасан,
Қайдасан шоҳларнинг зўр таҳликаси!..
...Эркни улуғлайин бутун жаҳонга,
Тожу-тахт қусурни топтайин бир-бир..
...Эзгу озодлик-ла қонун дўстлашса,
Айрилмас бир тусда жипслашса магар...

Улуғ шоирнинг «Сибирь қонларининг тагида...» шеъри ҳам Миртемир таржимасида жуда чиройли жаранглайди. Халқ қудратига чексиз ишонч, порлоқ кунлар умиди ва бу кунларни яқинлаштириш учун беаёв курашга даъват шеърнинг моҳиятидир. Ўзбекчада ҳам мана шу хусусият тўлиқ сақланган:

...Парчаланур оғир кишанлар,
Зиндон қулар ва эрк шодумон
Пешвоз чиқар эшикда у он,
Қилич берур сизга ёронлар.

ПУШКИН ТИЛГА, ТИЛ ҚОНУНИЯТЛАРИГА жуда эҳтиёткорлик билан ёндашган, тил имкониятларини бетинам ўрганган. «Таңқидга раддия» ва бошқа мақолаларида шоир рус тилидаги хусусиятлар ҳақида, айрим сўзларнинг талаффузи, ҳатто турланиши ва тусланиши, шунингдек, айрим келишиклар ҳақида мутахассис тилшунос каби теран фикрлар баён этган, тилдаги айрим қусурлар ҳақида жонкуярлик билан мулоҳаза билдирган. Улуғ шоир рус тилининг бойишига салмоқли улуш қўшганлиги сир эмас. Буни чуқур англаган таниқли шоирларимиз Ойбек, Зулфия, Асқад Мухтор ва бошқа хассос таржимонлар ҳам Пушкин асарларини эҳтиёткорлик билан таржима қилишганки, уларнинг бу борадаги ютуқ ва маҳоратлари ибратлидир.

Узоқ замон халқ меҳрига
бўлажакман мушарраф,
Чунки рубобим билан эзгу
қўшиқлар тўғридим.
Шу ёвуз замонамда
куйладим эркин мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа
чақирдим.

Ҳа, улуғ шоир тириклигидаёқ халқлар меҳрига мангу мушарраф бўлишлигини башорат этган эди. У яратган шеърият адабий ёдгорликина эмас, балки доимо юраги уриб турган тирик қилқат, маънавият сарчашмасидир. Эзгуликка, гўзалликка ташна дилдар ва сарчашмадан баҳраманд бўлаверади.

Низомиддин МАҲМУДОВ, филология фанлари кандидати.

А. С. ПУШКИН

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Ҳаёт, эсиз, ўткинчи тортиқ,
Нечун менга этилдинг тақдир!
Сирли қисмат не сабаб ортиқ
Сени ғамга чулғади ахир!

Завққа кўмиб кўнгил лавҳини,
Шубҳа солган ақлимга буткул,
Адоватли куч ила мени
Ғойиблардан чорлаган ким ул!..

Мақсадим йўқ олдимда, эсиз,
Қалбим бўм-бўш, йўқ ақл кўри.
Юрагимни эзади ёлғиз
Бир хил ҳаёт ғовур-ғовури...

26 май 1828 йил

ИБРАТЛИ ТЎРТЛИКЛАР

ТЕНГЛИК

О, беозор қишлоқлик! Рост гап, кулбангда сенинг
На зар бор, на кумуш бор; лекин бахтлисан юз бор.
Ишку дўстлик, тотувлик ила кечадм кунинг,
Шаҳарда-чи — карета тақ-туқи-ю, чанг, ғубор...

ТЎҒРИ БАШОРАТ

«Дардим ариб кетармі!» — хардан сўраб қолди шер.
«О, дунёда тенги йўқ шаҳаншоҳ, чекма қайғу:
Тобакай ўлмагайсан — тириксан!» — хар шундай дер.
Икки карра икки тўрт, деганн шу.

УЧ ОЛИШ ҲАҚИДА

Асаларн айиқнинг бошини чақиб олди,
Уч олмоқчи эди-да, мумкатак асал учун.
Не бўлди денг! У ўлди, найзасн ичда қолди,
Уч олмоқчи бўлганнинг иши шунақа хуржун.

Муҳаммад АЛИ таржималари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ИЮНЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 10.00 — М. Глинканинг «Иван Сусанин» операси. 13.05 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.20 — Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Мешалкин билан учрашуви. 17.05 — Концерт. 17.55 — Буратино кўргазмаси. 18.25 — Илмий-оммабоп фильм. 19.45 — Дунё воқеалари. 19.30 — Иккинчи фронт: бор ҳақиқат. 20.20 — Касби — терговчи. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.40 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.35— Зирапча. Бадиий фильм. 11.00 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 12.00 — Телефильм. 13.00 — Каникулдаги саргузашт. Бадиий фильм. 2-серия. 14.10 — Драматургия ва театр. 15.00 — Телефильм. 15.15 — Ғолиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.35 — Телефильм. 20.50 — Мактаб ислоҳоти. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаво варраги учирилган пайт. Бадиий фильм. 23.10 — Илмий-оммабоп фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Ҳужжатли фильмлар. 11.30 — Буюк ялангоёқлар. Бадиий фильм. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Пионерлар мамлакатида. 18.40 — ЎзССР Олий ва Ўрта махсус ўқув юртлари — халқ хўжалигига. 19.00 — Инсон ва табиат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Пушкинхонлик. 20.15 —Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бригада пудрати — ишимиз қудрати. 22.25 — Оловли йўллар. Бадиий фильм. 10-серия. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — МОСКВА-II. 18.00 — Менинг саҳиф дадажоним. Бадиий фильм. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Советлар мамлакатининг кишилари. 21.30 — МОСКВА-II.

6 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Буратино кўргазмаси. 10.10 — Концерт. 10.40 —Касби — терговчи. Бадиий фильм. 1-серия. 11.45 — Саёҳатчилар клуби. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.50 — Болалар учун. Буюк жасорат. 1-серия. 17.00—Спорт ҳафталиги. 17.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.00 — Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 18.45 — Дунё ва ёшлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Телефильм. 20.20 — Касби — терговчи. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Зенит (Ленинград) — Факел (Воронеж). 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Киножурнал. 9.35 — Ҳаво варраги учирилган пайт. Бадиий фильм. 10.40 — Моҳир қўллар. 11.10 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 11.45 — ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 12.30 — Киножурнал. 12.40 — Каникулдаги саргузашт. Бадиий фильм. 3-серия. 14.00 — Онамларнинг мактаби. 15.00 — Усимликлар олами. 15.45 — Мардлик қонунига биноан. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Концерт. 19.30 — Олтин қумлар авторалиси. 20.00 — Концерт. 20.45 — Дўстларимиз чеҳраси. 21.30 — Время. 22.00 — Сергеев Сергеевни изламоқда. Бадиий фильм. 23.05 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Қўғирчоқ фильм. 10.55 — Фильм-концерт. 11.40 — Степановнинг хотира дафтари. Бадиий фильм. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.35 — Мактаб ўқувчилари учун. Бирга бўлсак ҳаммамиз. 19.40 — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Бугун оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ешлар куйлаганда. Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Ғўза парваришига — аъло сифат. 22.15 — Оловли йўллар. Бадиий фильм. 11-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15 — МОСКВА-II. 18.45 — Телефильм. 19.15 — Ким бўлсам экан. 19.40 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 20.50 — Телефильм. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

5 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Биринчи программа. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Шонли 60 йил солномаси. 12.10 —Ишчинома. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Рубоб ижроси учун ёзилган пьесалар. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Ўзбекистонда пушкинхонлик. 21.10 — Тошкент агрегат заводи ходимларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Микрофон олдида халқ талантлари.

6 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Биринчи программа. 8.30 — Мен — ёшликман. Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Маҳаллий Советларнинг оддий иш кунлари. 11.25 — Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 19.25 — Оркестр куйлари. 20.50 — Шеърият кечаси. Э. Охунова шеърлари. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Рақс куйлари.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 14052. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 128. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12